



Ислом Нури

Аллоҳ таоло Моида сурасининг 78,79-оятларида айтади:

«...»

«Бани Исроил орасидан кофир бўлган кимсалар Довуд ва Йисо ибн Марям тилида лаънатлангандирлар. Бунга сабаб уларнинг қилган исёнлари ва тажовузкор бўлганларидир. Улар бир-бирларини қилган нолайиқ ишларидан қайтармас эдилар. Бу қилмишлари нақадар ёмон иш!»

...» :...»

Имом Бухорий Нуъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Аллоҳнинг белгилаб қўйган чегараларида турувчи киши билан уларни бузиб кирувчи кишининг мисоли кемада қуръа билан жойлашиб, баъзилари юқори қисмига, баъзилари қуйи қисмига ўрнашган кишилар мисоли кабидир. Қуйи қисмидагилар агар сув



Ислом Нури

олмоқчи бўлсалар юқоридагилар олдидан ўтар эдилар. Шунда улар: «Биз ўзимиз учун қуйи қаватдан тешиб олиб сувни шу ердан олаверсак-да, юқоридагиларга озор етказмасак», дейишди. Агар юқоридагилар уларни қилмоқчи бўлган ишларига тек қўйиб қўйишса ҳаммалари ҳалок бўлишади. Агар уларнинг қўлларидан ушлаб мақсадларидан тийишса ҳаммалари нажот топишади.»

«...» :...»
«...»
«...»

Имом Термизий Ҳузайфа ибн ал-Ямон розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салам айтдилар: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, ё яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарасизлар ё эса Аллоҳ тез орада устингизга Ўзи тарафидан азоб юборади-да, сўнг Унга ҳар қанча дуо қилманг, ижобат этилмайди».

Шарҳ:

Амри маъруф ва наҳий мункар – яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш Аллоҳнинг изни билан жамиятга саломатлик ва нажотни кафолатлайдиган муҳим ишлардандир. Уни адо этмаслик ва зое қилиш умматнинг заифлашувига ва ўтган умматлар бошига тушгани каби ҳалокат ва азобга гирифтор бўлишига сабабдир.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Ёмон ишлардан қайтармаслик Бани Исроилнинг лаънатга дучор



- бўлишига сабаб бўлган.
2. Амри маъруф ва наҳий мункарни тарк қилиш жамиятнинг бузилишига сабабдир.
 3. Уни тарк қилиш дуолар ижобат бўлмаслигига сабабдир.
 4. Уни тарк қилиш оммавий азоб тушишига сабабдир.